Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 3 август 1974 йил, шанба • № 181 (15.961). Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз Наманган областидаги хўжаликлар орасида биринчи бўлиб давлатга келгуси беш йиллик ҳисобига гўшт, сут сота бошлади. Уч ярим йил мобайнида қора мол ўсёги хўжалик да икки баравар кўпайди. Сермаҳсул эстон зотли сигирлар поданинг ўзагини ташкил этди. Фермалардаги барча сермеҳнат жараёнлар тўла-тўкис механизациялаштирилди.

Хўжаликда ем-хашак проблемаси тўла ҳал этилганлигига бир неча йил бўлди. Алмашлаб экишни жорий этиш ҳисобига бедапоялар, маккажўхори, илдиз-мева қабоп ун, сенаж, юқори сифатли майдонлари кенгайтирилди. Озуқабоп ун, сенаж, юқори сифатли силос тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозир хўжалик икки йиллик озуқа запасини ғамлаб қўймоқда. Молларга бутун йил давомида хилма-хил тўйимли озуқа берилади. Молларни ўтлатиш учун майдончалар бор. Бунинг натижасида моллар яхши семирмоқда, гўштга семиз сўним қилиб топширилмоқда.

Чорвадорлар ўртасида моллар нинг юқори маҳсулдорлиги учун мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Энг яхши сут соғувчилардан бири бўлган Лида Аблятиева 20 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозирдаёқ 2 200 литрдан сут соғиб олди. У шу йилнинг ўзида ҳар бир сигирдан соғиб оладиган сут миқдорини тўрт минг килограммга етказишга аҳд қилди.

Илғор чорвадорлар беш йилликнинг охиригача қолган вақт ичида гўшт ва сут етиштириш юзасидан яна икки ярим йиллик топшириқни бажаришни мўлжаллаб қўйдилар.

Қўшни Ленин номли совхоз фермаларининг меҳнатчилари ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариб қўйдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИНГ, КАМ ҲОСИЛЛИ ҒЎЗАЛАРНИ ТАБАҚАЛАБ ПАРВАРИШЛАШНИ УНУТМАНГ.

◆ ЧЕКАНКАНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИНГ, МАШИНАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ, БАЧКИ ШОХЛАРНИНГ ЎСИБ ЧИҚИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

◆ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ БУТУНЛАЙ ҚИРИБ ТАШЛАНГ.



Қашқадарё область. Ульянов райони пахтакорлари бу йил она-Ватанга 80 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга сўз берганлар. Ялпи ҳосилнинг 55 минг тоннаси машиналар билан терилади. Далаларда 400 дан зиёд «зангори кема» ишлайди. Суратда: «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасида теримга шай қилиб қўйилаётган агрегатларни кўриб турибсиз.

Н. Содиқов фотоси. (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОР МИНБАРИ

МАШИНА ТЕРИМИНИ ЎЙЛАБ...

Қўёшли диёримизнинг шонли ярим асрлик юбилейи йилида республикамиздаги барча пахтакорлар қатори совхозимиз деҳқонлари ҳам ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қиляптилар. 2500 гектар майдонда ғўза ўстирямиз. Шундан 700 гектарида ингичка толали пахта етиштирилади. Шу йил шонли ойнинг боқида бўлиб ўтган пахтакорлар йиғилишида имкониятларни ҳисобга олиб республикамизнинг юбилейига муносиб тўҳфа ҳозирлашга сўз бердик. Бунга кўра ҳар гектар майдондан 40 центнердан чўл дурдонаси олинади ва республикамизнинг 5 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонига совхозимиз меҳнат аҳли 10 минг тонналик пахта билан муносиб улуш қўшади.

Шу кунгача барча майдонларимиздаги ғўзаларга тўрт марта ишлов берилди, уч марта озиқлантирилди, икки марта қондириб суғорилди. Пахтакорларимиз суғориш билан культивация оралиғида узилиш бўлмаслиги учун курашмоқдалар. Бунинг учун қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳар 35-40 гектарга бир чопиқ трактори биркитилди. Демак, ҳар 6-8 кун ичида ғўзаларга бир марта ишлов бериш имкониятлари туғилди. Сув ва техникадан унумли фойдаланиш чоралари кўриляпти. Совхозимиздаги 23 бригаданинг ҳаммасида далада ишлаётганлар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳар 8-10 литр сув учун бир сувчи ажратилмоқда. Барча бригадаларда тунги суғоришга катта эътибор берилаётир.

Ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаётган Дўстмурод Тошев, Ўрин Қаршиев, Саида Эшалиева, Беҳбуд Холмирзаев, Ҳуррам Ҳурсанов, Саломат Ражабова, Турди Ҳамроев каби пахта усталари раҳбар бўлган бригадаларнинг пахтакорлари ғўза парваришида ҳам пешқадамлик қилишяпти. Ғўзага сифатли ишлов берган, мириқтириб суғорганларга устама иш ҳақи берилаётир ва социалистик мусобақа шартларига кўра тақдирланмоқда.

Пахтакорларимиз ғўза парваришини бир зум ҳам сусайтирмай терим бошлангунга қадар давом эттиришга қарор қилдилар. Шундай қилингандагина кўсаклар тўқ бўлиб етишади, ҳосил тош босадиган, пахтасининг толаси узун ва пишиқ бўлади.

Шу кунгача барча майдонлардаги ғўзаларга минерал ўғитларнинг йиллик нормаси ни бериб бўлдик. Лекин совхозимиз бўйича 150 гектардан ортиқ ўсишдан орқада қолаётган ғўзалар мавжуд. Бу ғўзалар табақалаб минерал ўғитлар билан озиқлантирилаётир, Ерга қўй қийи ва бошқа маҳаллий ўғит солиш давом эттирилмоқда.

Ҳозирданоқ машина терими ни ўйлаб иш тутиляпти. 2 минг гектар майдоннинг пахтасини терим машиналари билан саранжомлаб олишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун ғўзалар калтабўғин, сершох қилиб ўстириляпти. Машина теримига ажратилган майдонларнинг ғўзасининг бўйини бир метр атрофида қилиб ўстиришни таъминлаш учун ҳаракат қилиняпти. Бегона ўтдан тозаланаётир. Шу кунларда ғўзани чеканка қилишни боқлаб юбордик. Машина терими учун ажратилган майдонларнинг ғўзасини иккиуч марта кўздан кечириб чиқиб, чеканка ўтказамиз.

Мавжуд 40 та терим машинасини сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга тахтлаб қўйдик. Бу йил 300 гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб ташлаган эдик. Шунинг учун яна 5 та кенг қаторлаб экилган майдонларнинг ҳосилини йиғиб-териб олишга мўлжалланган машиналардан ҳарид қиламиз. Шундай қилиб, терим машиналарини 45 тага етказамиз. Бу йил хўжалигимиз механизаторлари ҳар бир терим машинаси билан 170 тоннадан ошириб пахта териш мажбуриятини олганлар. Демак, пахта терими нин 20-25 кунда тамомлаш учун реал имкониятлар бор.

Мавсумда 7 минг тонна пахтани бункерлардан тўкамиз. Менинг ўзим бу йил 500 тоннадан ошириб пахта териб беришга ваъда бердим. Ўз сўзимнинг устидан албатта, чиқаман. Чунки, хўжалигимизда машина терими учун талай қулайликлар яратиб берилган. Карталар текисланиб, машиналарнинг бир текис юришига имкон яратилаётир.

Ҳозир ҳар бир туп ғўзада ўртача 4-5 тадан кўсак ҳосил қилинди. Мен меҳнат қилаётган Омон Завидов бошлиқ бригада далаларида эса ҳар туп ғўзада ўртача олтитадан кўсак бор. Мен қарийб 10 йилдан бўён мана шу бригадада механизаторлик қиламан. Чигит экаман, ғўза парваришида қатнашаман, терим машиналари ремонтида иштирок этаман, терим даврида эса терим машинасини бошқариб пахта тераман. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда пахтачиликдаги асосий ишлар техника зиммасига юклаб қўйилмоқда. Шунинг учун техникани севмасдан, унинг қудратли ва яратувчилик ишига баҳо бермасдан туриб, пахтадан мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Шунинг учун мен хизмат қилаётган Омон Завидов бошлиқ бригадада ҳам, совхозимизнинг бошқа участкаларида ҳам техника эъзозланяпти. Хўжалигимизда қишлоқ хўжалиги билан банд кишиларнинг 80 процента техникани бошқаришни, механизацияни ишлатишни пухта эгаллаб олганлар.

Хўжалигимизда пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Барча бригада дала шийпонлари ёнида пахта қуритадиган асфальт майдончалар бунёд этилди. Йўл ва кўприкларни тартибга келтириш даВом этяпти. Пахта терими бошланишидан бир ҳафта олдин терим машиналарининг пайкал четларида бемалол айланиши учун жойлар ҳозирланади, ғўзапояси ўриб олиниб, уваталарга қўйилади. Терим даврида малакали 100 механизатор терим машиналарини бошқарадилар. Ҳар бир терим машинасига икки механизатор биркитилди. Бундан ташқари 10 механизатор, ҳар группага 2 тадан бўлиниб, механизаторларга техника хизмати кўрсатишда қатнашадилар. Бирор механизатор узрли сабабларга кўра ишга чиқолмаса, ёки бетоб бўлиб қолса, ана шу икки запас механизатор уларнинг ўрнини биллитирмай ишлаб туришади.

Узоғи билан 15 сентябрдан машина терими ни бошлаймиз. Давлат планини 20 иш кунида, социалистик мажбуриятимизни эса 35 иш кунида бажаришни мўлжаллаб иш тутяпмиз.

Колхоз маъмурияти ва партия комитети пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва мусобақани ҳар томонлама қизиқтиб юборишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Социалистик мусобақа бўлимлар, бригадалар ва механизаторлараро ҳар беш кунда якунлаб борилади. Пахта терими нинг биринчи кунидан ҳар килограмм қўлда терилган пахта учун 10 тийин, машинада терилган ҳар тонна пахта учун 10 сўм меҳнат ҳақи белгиланди. Моддий рағбатлантиришнинг бу формаси ҳам далаларда етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишда муҳим омил бўлади.

Совхозимиз бош иқтисодчиси Н. Қаршиевнинг ҳисоб-китобига кўра машина терими дан катта фойда кўрамиз. Бу йил терим машиналари бункеридан тўкиладиган 7 минг тонна пахта қўлда терилганида 441 минг сўм иш ҳақи тўланар эди. Шунча миқдордаги пахта машиналар билан саранжомлаб олинганда эса механизаторларга 25 минг сўм миқдорида иш ҳақи берилади. Машина теримининг ўзидан 415 минг 800 сўм тежаб қолинади.

Пахтакорларимиз ғўза парваришина август ойида кучайтириб, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилдилар.

Али НОВВОТОВ,

Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозининг механизатори, Ленин ордени кавалери.

ЭНГ ЯХШИЛАРГА — ВИСТАВКА ДИПЛОМЛАРИ

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бош комитети 1973 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагиларни мукофотлади:

Фахрий дипломлар билан — Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Ленинград, Сахалин, Целиноград, Шимолий Қозоғистон ва Тўрғай областлари;

I даражали диплом билан — РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Карелия АССР, Коми АССР, Калмоқ АССР, Чувашия АССР, Владимир, Горький, Воронеж, Смоленск, Рязань, Гомель, Шарқий Қозоғистон, Толдиқўрғон, Чимкент областлари, Адигей автоном области;

II даражали дипломлар билан — Арманистон ССР, Якутия АССР, Астрахань, Волгоград, Камчатка, Магадан, Мурманск, Псков, Тамбов, Липецк ва Чита областлари.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг шартлари ва кўрсаткичларини бажарган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларидан 30 мингга яқин киши олтин, кумуш, бронза медалларини ҳамда мукофотлар олдилар.

Улардан энг яхшилари фахрий дипломлар ва «Москвич» автомашиналари билан мукофотланадилар. (ТАСС).

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунига бағишлаб 2 августда Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тошкент темирйўл узелининг илғор ишчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари пойтахт Темирйўлчилар саройи залига тўпландилар.

Урта Осиё темирйўли бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Қодиров темирйўлчилар коллективларининг меҳнат ғалабалари тўғрисида гапириб берди. (ЎзТАГ).

2 МИЛЛИОН ТОННА ДОН УЧУН

ШОЛИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАМИЗ

Республикамиз ғаллакорлари белгиловчи йилда 2 миллион тонна дон тайёрлашга қарор қилганлар. Об-ҳаво, инжиқликлари туфайли бугдой ва арпадан айтарли катта хирмон кўтарилмади, ўрим-йиғим вақтида ўтказилиб, бор ҳосил йиғиштириб олинди, келгуси йил мўл ҳосилига тараддуд кўрилмоқда.

Лекин шоликорларимиз астойдил меҳнат қилиб, ҳар йилгидан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Шоли сувсевар ўсимлик. Аммо, сув танқис бўлди. Шунга қарамай агротехника тадбирлари вақтида ўтказилиши туфайли шолидан катта хирмон кўтариш кўзда тутилмоқда. Бунга бизнинг бригадамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили бригадамиз бўйича ҳар гектар ердан 50 центнердан шоли хирмони кўтариб, тайёрлов пунктига 350 тонна шоли топширган эдик. Бу йил гарчанд шоли майдонини кенгайтирмаган бўлсак-да, ҳосилдорликни гектар бошига 70 центнерга етказамиз, тайёрлов ташкилотларига 500 тонна юқори сорт шоли топширамиз.

Шу кунларда шоли парваришини қизғин давом эттирмоқдамиз. Шоли қийғос бошоқлаяпти. Бундай кезда сувдан қолдириб бўлмайди, айни кезда очиқтирмай ўғитлаш керак. Шундагина қутилганча ҳосил олинади. Биз ички имкониятларни ишга солиб, 70 гектар майдондаги шолини қондириб суғормоқдамиз. Ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 10 тоннадан органик ўғит солдик, йиллик минерал ўғит нормасини бериб бўлдик. Шу кунларда шолиполяларни бегона ўтлардан тозаламоқдамиз.

Давлатимизнинг ёрдами туфайли шоличилик соҳасидаги ишлар тобора кўпроқ машиналаштирилмоқда. Ҳозир ер ҳайдашдан тортиб, шоли экиш, уни ўриб-янчиб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машиналар гарданига ортилган. Мен ўтган йили катта майдонларнинг шолисини ўриб, 450 тонна дон янчиб берган эдим. Бу йил янада юксакроқ мажбурият олдим. Белгиловчи йилда камида 600 тонна шоли янчиб бераман. Ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп майдоннинг шолисини ўраман.

Шу кунларда шоли парваришини кучайтириш билан бир қаторда ўрим-йиғимга тайёргарлик ишларини ҳам кучайтириб юбордик. Мен бошқарадиган комбайнимни ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйдим. Бошқа механизаторлар ҳам комбайнларини тезкорлик билан ремонтдан чиқармоқдалар. Бу муҳим ишни узоғи билан 10-12 иш кунида тўла тугаллаймиз.

Шоли ҳосилини сира нобуд қилмасдан ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўриб-янчиб оламиз, бир грамм донинг исроф бўлишига йўл қўймаймиз. Ҳар бир бригада, бўлим, совхозимиз бўйича шоли тайёрлаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажаришини таъминлаймиз. Шундай қилиб, республикамиз бўйича 2 миллион тонна дон тайёрланишига ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшамиз.

Қуролбой ОЛЛОБОЕВ.

Қорақалпоғистон АССР Чимбой районидаги «Майёб» шоликорлик совхозининг механизатори.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА

Саккизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг еттинчи сессияси 2 август эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди. Депутатлар Россия Федерациясида умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш тадбирлари тўғрисидаги ва халқ маорифи ҳақида РСФСР қонуни лойиҳаси тўғрисидаги докладларни муҳокама қилмоқдалар. Сессия кун тартибига мувофиқ давлат нотариати тўғрисида РСФСР қонуни лойиҳасини муҳокама қилади, РСФСР Олий Совети Президиуми фармонларини тасдиқлайди. (ТАСС).

КАНАЛ ЧЎЛГА ОҚА БОШЛАДИ

Янги Сандал машина канали Яккабоғ райони далаларига бир кеча-кундузда ярим миллион куб метр сув бера бошлади. 23 километр узунликдаги канал ўзанини «Эскиангарканалстрой» трестининг юзта экскаватори қазиди. Уч миллион куб метрдан зиёд тупроқ қазиб олиниб, четга сурилди. 43 та гидротехника иншоати, шу жумладан Қашқадарё ва Танхоздарёда дюкерлар қурилди. Насос станцияларининг икки каскади барпо этилди.

Бу канал яқинда яна деярли ўн километр узайтирилади.

Қурилиш тугалланганидан кейин у 30 минг гектар пахтазор, боғ ва узумзорларни суғоради.

НОРИН СУВИ

Республикамизнинг йирик сув иншоотларидан бири бўлган катта Наманган канали қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Сув тақчиллиги сезилаётган бу йилги шароитда қурилиш ишларини тезлаштириш учун портлатиш усули қўлланилмоқда. Бу мураккаб жараённи амалга ошириш учун мамлакатнинг кўпгина бурчакларидан — қардош шаҳарлар ва республикаларнинг мутахассислари ёрдамга келишди. Шундай қилиб, бир йилдан кўпроқ муддатга белгиланган иш икки ой ичида поёнига етказилди. Канал трассаси биринчи навбатининг 62 километрлик ўзанида Норин суви оқа бошлади. Яқин кунлар ичида каналнинг иккинчи навбатидаги 900 километрлик ўзани ҳам Тўрақўрғон ҳамда Косонсой районлари пахтазорларини сув билан таъминловчи Ғирвонсойга уланади.

НАМАНГАН САБЗАВОТЧИЛАРИ — СИБИРЛИКЛАРГА

Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз сабзавотчилари Тюменда нефть ва газ қазувчиларнинг фахрли буюртмасини бажариб, уларга икки юз тонна помидор жўнатишди.

Наманган областининг дала меҳнатчилари Сибирь ва Урал шаҳарларига ҳозиргача 12 минг тоннадан кўпроқ эртаги сабзавот маҳсулотларини юборишди.

Ҳозир шимолий районларга Наманганда кўплаб олма ва узум юбориш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги, электрон техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда актив қатнашганлиги учун Тошкентдаги В. И. Ленин номли электрон техника заводининг директори Вадим Георгиевич **Мушкаревга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали даволаш ишлари учун ҳамда аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишдаги хизматлари учун Ўзбекистон республика санитария эпидемиология станциясининг бўлим мудири Ғафур Назирович **Назировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика аптека тармоқларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишдаги хизматлари учун Андижон шаҳридаги 521-аптеканинг бошқарувчиси Убай Умидович **Аминовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фармацевт» фахрий унвонини берди.

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси шу йил 6 август эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мажлислар залида 5 август соат 10 дан 14 гача ва соат 15 дан 19 гача, 6 август эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚЛАРИ ВА ДОКЛАДЛАРИ ТЎПЛАМИНИНГ ИККИНЧИ НАШРИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев нутқлари ва докладларининг «КПСС аграр сиёсати масалалари ва Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштириш» деб аталган тўпламининг иккинчи, тўлдирилган нашрини босмадан чиқарди. Л. И. Брежневнинг бу тўпламга киритилган ва партиянинг қишлоқдаги сиёсатига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига бағишланган докладлари ва нутқлари 1954 йилдан 1974 йилгача бўлган даврга тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг тўпламга киритилган нутқлари коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида КПСС аграр сиёсати тўғрисида мукаммал, кенг тушунча беради. Кўпчилиги биринчи марта эълон қилинаётган ва катта ҳажмдаги материалларни ўз ичига олган бу китобда социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга партия раҳбарлиги тажрибаси кўрсатиб берилган. (ТАСС).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Муҳим ташкилий-сиёсий иш

Янгийўл район партия ташкилоти партия ҳужжатларини алмаштиришни туғаллади. Бу муҳим ташкилий-сиёсий тадбир ҳар бир бошланғич ташкилот КПСС XXIV съезди қарорларини қандай бажараётганлигининг ўзига хос кўриги бўлди. Партия ташкилотларининг жанговарлиги ва ташкилотчилиги кучайди, ички партия демократияси ривожланди, йиғилишларнинг таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамияти ошди, танқид ва ўз-ўзини танқид ўткирлашди.

Бошланғич ташкилотлар партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш даврида коммунистлар билан ишлаш, уларнинг авангардлигини ошириш борасида бой тажриба тўпладилар. Партия аъзоларининг ижтимоий ва меҳнат активлиги ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, бунда якка тартибдаги суҳбатлар катта роль ўйнади. Деярли барча коммунистлар доимий ёки вақтинча партия топшириқларини бажармоқдалар. Ленин номли мактаб, «Интернационал», «Ленинизм» колхозлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳужжат алмаштириш даври учун белгиланган тадбирларни тўла амалга оширдилар.

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми «Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари ва партиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб, ҳужжат алмаштириш даврида тўпланган ижобий тажрибалардан бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги, коммунистларнинг активлиги, интизомлилиги ва партиявийлигини ошириш йўлида кенг фойдаланиш тадбирларини белгилади.

Комсомолга партиявий раҳбарлик

Олмалиқ шаҳар партия ташкилоти комсомолга партиявий раҳбарликни тобора кучайтирмоқда. Комсомол-ёшлар коллективларини тузиш, ёшларнинг унумли меҳнат қилиш ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиб бериш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш бошланғич партия ташкилотларининг доимий диққат марказида турибди. Марказий ремонт заводи бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан янги ишга келган комсомол-ёшлар коммунист ишчилар отлиғига олинмоқда. Бошланғич ташкилот ўтган ярим йил давомида партия группаларининг ёшлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини бир неча марта эшитди.

Марказий ремонт заводи бошланғич партия ташкилотининг комсомолга партиявий раҳбарликни мустаҳкамлаш юзасидан қилаётган иши шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида алоҳида таъкидланди. Пленумда, шунингдек, бу муҳим ишда йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида ҳам батафсил гапирилди. Масалан, автотранспорт бошқармаси, сут заводи, шаҳар маиший хизмат комбинати партия ташкилотлари комсомол ишлари билан қизиқмай қўйгани натижасида бу корхоналарда айниқса, ёшлар ўртасида меҳнат интизоми тез-тез бузиладиган бўлиб қолди, комсомол йиғилишлари вақтида ўтказилмаётир, комсомол сафини энг муносиб ёшлар ҳисобига ўстириш ҳақида ҳеч ким қайғурмаяпти.

Олмалиқ шаҳар партия комитети пленуми бошланғич партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлик фаолиятини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ёш коммунистлар мактаби

Бекобод шаҳар партия ташкилоти ёш коммунистларни қиёсий тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Металлургия заводи, цемент комбинати, 16-қурилиш трести, темир-бетон буюмлари комбинати партия ташкилотларининг ташаббуси билан бу ерда ёш коммунистлар мактаби ташкил этилди. Беш жойда ишлаётган бундай мактабларда ҳозир 507 КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатлар билим олмоқдалар.

Ёш коммунистлар мактабининг машғулотлари ҳар ойда икки марта ўтказилмоқда. Уларда партия қурилиши, КПСС Устави ва программаси, партия ички ҳўжалиги, КПССнинг ташқи сиёсати каби мавзуларда лекциялар ўқилади.

Ёш коммунистлар мактаби шаҳар партия ташкилотининг доимий диққат-марказида турибди. Машғулотларда шаҳарком секретарлари, бўлим мудирлари, инструкторлар ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари лекциялар билан чиқмоқдалар. Масалан, шаҳар партия комитети қошидаги ёш коммунистлар мактабида яқинда бўлиб ўтган машғулотда шаҳаркомнинг биринчи секретари Б. Аббосов халқ ҳўжалиги планларининг бажарилиши ва шаҳар ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида лекция ўқиди. Инструктор Н. Рибкина «Партия ва комсомол» деган темада суҳбат ўтказди.

«Коммунистнинг бурчи» деган мавзуга бағишланган бу машғулотда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари С. Мокин ҳам коммунистнинг бурчи ва ҳуқуқлари тўғрисида лекция ўқиди.

Яқинда шаҳар партия комитети ёш коммунистлар мактабларининг фаолиятини чуқур ўрганиб, уни бюро мажлисида муҳокама қилди ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилади.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—БЕШ ЙИЛЛИК ҚАНОТИ

ИТТИФОҚҚА ЁЙИЛАЁТГАН ТАЖРИБА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

Репортаж

Корхона цехларини айланиб юрибмиз...

— Заводимиз бундан йигирма етти йил муқаддам ташкил этилган, — деди бирлашма директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи Наби Жумабоев. — Ушанда йил давомида атиги бир тоннача колбаса тайёрланган. Мана шу ерда гўшт ошпичоқларда чопилиб, қийма қилинарди. Сўнг, йирик дош қозонлар остида ўт ёқилиб, колбаса пиширилларди. Унда ҳозиргидек музхона, вентиляторлар, механизм, автомат ва конвейер линиялари қаерда эди, дейсиз. Юз фоиз иш қўлда бажариларди.

Корхона план бўлимининг бошлиғи Анас Багреев сўзга қўшилди:

— Тан олиш керак. 1965 йилгача тайёрлаган маҳсулотларимиз сарфланган ҳаражатларни қопламасди. Колбаса тайёрлашнинг мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган янгича технологиясига ўтилди-ю, зарарга чек қўйилди. 1967 йил — завод фаолиятида бурилиш йили бўлди. Ўша йили биринчи бор 228 минг сўм фойда олишга муваффақ бўлинди.

— Ҳозир-чи?

— Йилига 1 миллион 850 минг сўмдан фойда кўряпмиз. Қўл меҳнатини механизациялаш даражаси 86 процентга етди. Ўтган йигирма йили ичида маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўн баравар ўсди.

Лаҳм гўштлар тўппа-тўғри автомат қиймалагичга келиб тушяпти. Оператор Николай Тришчев бир йўла уч-тўрт жараённи бажараётган бу қудратли машинани маҳорат билан бошқармоқда.

— Машинамиз бир сменада 25 тонна гўштни ҳам қиймалайди, ҳам рецептларга бўлади, ҳам қайта ишлайди ва уни ичакларга жойлаш бўлимига етказиб беради, — деди Н. Тришчев пешонасидаги тер маржонларини артаркан. — Бундай автомат республикамиз колбаса корхоналари ўртасида биринчи бўлиб бизнинг цехимизда жорий этилди. Энди меҳнат унумдорлиги қарийб тўққиз ҳисса ортди.

Тайёр қиймани ичакларга жойлаш бўлимида ичак учларини канап билан боғлашдан ташқари ҳамма жараён автоматлар зиммасига юклатилган.

— Бу тажрибамиз Иттифоқ миқёсида тан олинди. У турдош корхоналарда кенг ёйиляпти, — тушунтирди қийма жойлаштирувчи Матлуба Аҳмедова. — Бўлимимизда колбаса тайёрлашнинг янги технологиясига амал қилинмоқда. Аввалари қийма сирли тоғораларга солиниб, тузланарди ва у 10-12 соат давомида етилтириларди. Бунда вақт кўп сарфланар, оворагарчилиги ҳам шунга яраша эди. Ҳозир қийма бир йўла ичакларга жойланиб, узоғи билан 4-6 соат ичида етилтирилянти.

Етилган колбасалар буғлаш, дудлаш, қиздириш камераларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилади. Бу метод йилига нормадан ортиқ 46 минг сўмлик колбаса тайёрлаш имконини бераётир. Шунингдек, 204 куб метр ёқилғи, 31700 киловатт-соат электр энергия, анча иссиқлик энергияси тежаб қолинмоқда. Буни пулга чақканда 177 минг сўмни ташкил этади.

Корхонада гўштдан суякни ажратиш жараёни ҳам такомиллаштирилди. Энди гўшт суяк ва пайлардан тозароқ ажратиладиган бўлди. Шу йўл билан йилига нормадан зиёд 67 тонна гўшт олинянти.

Бирлашманинг колбаса ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирар эканмиз, кейинги йилларда янги техника ва илғор технология ютуқларини жорий этиш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бирлашма коллективи колбаса маҳсулотларини тайёрлашдаги бундай автомат линияни муваффақиятли жорий этгани учун мамлакатимизда биринчи бўлиб иккита авторлик гувоҳномасини олишга эришди. Колбаса ва сут маҳсулотларидан бир неча хили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Янгийўл колбаса ва сут маҳсулотлари бирлашмаси коллективи беш йилликни муддатидан илгари бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш етти ойлик планини муддатидан илгари ошириб бажарди.

Корхона ишчи, инженер-техник ходимлари прогрессив технологияни жорий этиш ҳисобига белгиловчи йилнинг ўтган ойлари мобайнида нормадан зиёд 34,4 тонна колбаса ишлаб чиқаришга эришдилар. Хом ашё ва материалларни иқтисод қилиш ҳисобига эса, 187 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Коллектив йил охиригача пландан ташқари 225 минг тонна колбаса, 960 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



БИНОКОРЛАР ШИЖОАТИ

Бинонинг басавлат қадди-қомати ҳозирданоқ атрофга кўркамлик бахш этабошлади. Унинг дастлабки пештоқларида жилваланаётган қуёш нурлари узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланади. Бу — Қорақалпоғистон автоном республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида қад кўтараётган 9 қаватли дастлабки иморатдир. Бундай кўп қаватли иморатлардан шаҳарда ҳозирча иккитаси тикланмоқда. Ҳар бири 90 квартирали бўлган дастлабки уй Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига фойдаланишга топширилади.

Нукус шаҳрида тикланаётган кўп қаватли биноларни «Главташкентстрой» трести коллективи ўз устига олган. Трестнинг энг илғор коллективларидан бири ҳисобланган 1-уйсозлик комбинатига қарашли хўжалик ҳисоби участкаси бундай улкан ишларни бажармоқда. Чунки, мазкур участка бинокорлари уйларни тез ва соз қуришда анчагина тажриба орттирди.

— Биз шу кунларда тағин ҳам ғайрат ва шижоат билан меҳнат қиляпмиз, — дейди қурилишда ишлаётган илғор бинокорлардан бири Акбар Шайхов, — чунки республикамизнинг олтин тўйи тобора яқинлашиб келмоқда. Биз ана шу тўйга муносиб совға тайёрлашимиз лозим. Шу туфайли ҳам кундалик ва ойлик топшириқларни ортиғи билан бажаришга, қурилиш сифатини тағин ҳам оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Қурилиш участкасининг кўпчилик ишчилари комсомол ва ёшлардир. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳамма ишлар шижоаткорлик билан олиб борилаётир.

— Ёшлар қурилишдагина чинакамига фидокорлик кўрсатмоқдалар, — дейди моҳир пайвандчи, комсомол аъзоси Александр Супрядкий, — йирик блокларни тез ва пишиқ пайванд қилишда комсомоллар ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Бинокорларнинг ўзаро социалистик мусобақаси ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олган. Қурилиш майдонининг кўзга яққол ташланадиган жойида ўрнатилган кўрсаткич тахтада қурувчилар бажарган ишни, олинган мажбуриятларнинг қай тарзда бажарилаётганини қайд қилувчи рақамлар тез-тез пайдо бўлиб туради. Илғор бригадалар ва бинокорларнинг марра томон илдам ҳаракат қилаётганликлари бу ерда тўла акс этиб турибди. Айниқса, Эйвоз Маметов бошлиқ қурувчилар бригадасининг бажарган иши ва қўлга киритаётган зафарлари бутун коллективни қувонтирмоқда. Илғор бригаданинг илғор бинокорлари Акбар Шайхов, Михаил Тазетдинов, Владимир Мероляков, Альбинос Петраускас ва бошқалар республика юбилейи шарафига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида астойдил курашиб, бошқа коллективларга намуна бўлмоқдалар.

«Главташкентстрой» трести коллективи мамлакатимизнинг кўпчилик шаҳарларида уй-жой бинолари қуришда катта тажриба орттирган коллективдир. Трест бинокорлари Доғистон пойтахти Махачқалъада 20 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуриб беришган. Бундан ташқари, шаҳарда жамоат марказини барпо этишда иштирок этишди. Шундан сўнг улар Чоржўй шаҳрида йирик панелли кўп қаватли уй-жой биноларини қуришда қардошларимизга катта мадад беришган эди.

Суратларда: «Главташкентстрой» трести 1-уйсозлик комбинати хўжалик ҳисоби участкасининг илғор бинокорларидан Акбар Шайхов, бригадир Эйвоз Маметов, Михаил Тазетдинов, Владимир Мероляков, Альбинос Петраускас ҳамда қурилишнинг умумий кўриниши акс эттирилган.

А. Лихварь фотолари,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

„СЎЛ“ ОППОРТУНИЗМ ВА ЎНИНГ РЕАКЦИОН МОҲИЯТИ

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи социализм ва империализм, прогрессив ва реакцион кучлар ўртасидаги синфий қарама-қаршиликнинг кескинлашуви билан характерланади. Социализм устидан ҳарбий, дипломатик ва иктисодий жиҳатдан устунликка эришишга ишончини йўқотган империализм ҳозирги замон революцион кучларига қарши идеология соҳасидаги қурашнинг барча воситаларидан зўр бериб фойдаланмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда марксизмга ёт бўлган турли хил қарашларга қарши кураш олиб бориш, жумладан ижтимоий-сиёсий фикр оқимларидан бири ҳисобланган оппортунизмнинг реакцион моҳиятини очиб бериш муҳим ўрин эгаллайди.

В. И. Ленин ўзининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» — номли асарида «сўл» оппортунизмнинг синфий моҳияти ва социал-ғоявий илдизларини очиб берган эди. У «кенг оммани коммунизм томонига ўтказиш вазифасини «сўл» доктринёрликни тугатмасдан туриб, унинг хаталарини батамом йўқотмасдан туриб, улардан қутилмасдан туриб бажариш мумкин эмас» деб таъкидлаган эди.

Ўнг оппортунизм учун, аввало, социал реформизм, яъни синфий курашни майда реформалар билан алмаштиришга уриниш, социалистик революция ва пролетариат диктатурасидан воз кечиш, капитализмни амалий жиҳатдан ҳимоя қилиш характерлидир.

Агар ўнг оппортунистлар ишчилар ҳаракатини реформистик йўлга бурсаларр, уни буржуа идеологиясига бўйсундиришга уринсалар, «сўл» оппортунистлар бу ҳаракатни авантюристик йўлга буриб юборморқчи бўладилар. «Сўл» оппортунизм майда буржуа қарашлари ва сиёсий йўналишлари билан марксизм-ленинизмга душман бўлган авантюристик оқимдир. Шунинг учун ҳам бу оқим учун воқеаларга баҳо беришда субъективизм ва волюнтаризм характерлидир. Сўл оппортунистлар жамият тараққиётидаги объектив қонунлар билан ҳисоблашмайдилар.

Ҳозирги замон «сўл» оппортунизмнинг активлашуви сабаблари нималардан иборат?

Аввало, оппортунизмнинг «яшаш» сабаблари капиталистик муносабатларнинг сақланиб қолганлиги билан боғлиқ. Чунки бу оппортунистик концепция ижтимоий турмушда пролетар бўлмаган қатламларга хос бўлган қарашларни акс эттиради.

Ҳозирги кунда жаҳон ишчилар синфининг революцион ҳаракатига пролетариат билан бирга турли майда буржуа қатламлари ҳам жалб этиладди ва пролетариатнинг ўз ичида кўпсонли буржуа элементлари пайдо бўлади. Бунга сабаб, ишчилар синфи сонининг хонавайрон бўлган деҳқонлар, ҳунармандлар ва шу қабилар орасидан чиққан кишилар ҳисобига кўпайиб боришидир. Бу эса «сўл» оппортунизмнинг социал базасини кенгайтиради ва унинг активлашувига ёрдам беради. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ишчилар синфи кейинги йилларда, айниқса, у ерда кўп чиликни ташкил этувчи деҳқонлар ва шаҳар майда буржуазияси ҳисобига кўпайди. Бу эса Хитойда «сўл» оппортунизмнинг кучайишига замин бўлди.

«Сўл» оппортунизмнинг активлашувига ишчилар ҳаракати тараққиётидаги қийинчиликлар сабаб бўлади. Тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун кураш — жуда мураккаб курашдир. Бу курашда юксак ютуқлар билан бирга айрим муваффақиятсизликлар ҳам бўлиб туради. Бу қийинчиликлар айрим беқарор элементларда ғалабага ишончсизлик туғдиради, натижада уларни ўнг оппортунизм ва ревизионизм ботқоғига итаради.

Ҳозирги замон оппортунизмининг, шу жумладан «сўл» оппортунизмнинг озуқавий воситаси буржуа миллатчилигидир.

В. И. Ленин социализм кенг тараққий этиб бориши, ўз доирасига кўпроқ мамлакатларни жалб этиши билан миллатчиликка қарши кураш катта аҳамият касб этади, деб айтган эди. Бу тасодифий ҳол эмас. В. И. Ленин майда буржуа революционлигини келтириб чиқарувчи социал-иктисодий шарт-шароитларнинг ўзи «жуда қаттиқ ўрнашиб қолган майда буржуа ҳурофотларидан» бирини ҳам, «яъни миллий ҳудбинлик, миллий мақтаниш ҳурофотларини» ҳам ғоят мустаҳкамлашига эътиборни жалб қилган эди. Назария соҳасида бу ҳол марксизм-ленинизм ўрнига қандайдир ўз марксизмини, алоҳида «миллий» марксизмни қўйиши тўғрисидаги даъвода акс этади. Албатта бу тенденция ҳатодир. Марксизм-ленинизм бир бутун халқаро, интернационал таълимотдир.

Амалий ҳаракатлар соҳасида, сиёсатда «сўл» оппортунизмнинг миллатчилик билан алоқаси пролетар интернационализми принципларидан четлашишида, халқаро коммунистик ҳаракатни бир-биридан ажралиб қолган айрим миллий отрядларга ажратиб юборишга уринишида ўз ифодасини топади.

Ички ва ташқи сиёсатда авантюризм ва миллатчилик хавфи жуда катталиги тўғрисидаги ленинча қоидалар Мао Цзе-дун группасининг позициясига батамом ва буткул таллуқлидир. Маоизм миллатчиликни авж олдирмоқда. Бу билан у икки мақсадни кўзда тутади. Бир томондан у Хитой халқининг миллий ҳиссиётларидан ўз манфаати учун фойдаланиб, уларни реал социал проблемалардан чалғитиш орқали, ўз авантюристик ички ва ташқи сиёсати ёқланишини қўлга киритмоқчи бўлади. Бошқа томондан Хитой пропагандаси оқ иркка ишонмасликни тарғиб қилишда миллатчиликдан фойдаланишни мўлжаллайди.

Сўнгги йилларда ўтмишда «сўл» оппортунизмнинг машҳур вариантларидан бири бўлган троцкизм ўз фаолиятини активлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги даврда троцкизмнинг активлашувига асосий сабаблар нималардан иборат?

Биринчидан, империализм ва социализм ўртасида идеология соҳасида қурашнинг кучайиши, анти-империалистик ҳаракатни ичдан кучсизлантириш, унинг отрядларидан бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, уларни идеологик ва сиёсий жиҳатдан ажратиб юбориш учун фойдаланиш троцкизмнинг активлашувига сабаб бўлмоқда.

Империализмнинг тинчлик кучларига, демократия ва социализмга қарши юзма-юз кураши у кутганидек натижага олиб келмаяпти. Шунинг учун ҳам бундай шароитда империализм сўлларнинг ғоялари ва шиорларини, троцкизмнинг сохта, революцион баландпарвоз гапларини ўз мақсадлари йўлига хизмат қилдиришга ҳаракат қиляпти.

Иккинчидан, Хитой Коммунистик партиясининг «ультра революцион», антимарксистик, антиленинча платформа каби сохта байроқ остида коммунистик ва барча антиимпериалистик ҳаракатини ажратишга қаратилган йўли барча бузғунчиларда, жумладан, троцкийчиларда ҳам ўз фаолиятларини активлаштиришга маълум даражада ишонч туғдирди.

Учинчидан, жаҳон революцион жараёнининг кенгайиши, революцион, антиимпериалистик курашга қўлмиллионли меҳнаткашлар оммасини, пролетар бўлмаган, қатламларни, деҳқонларни, интеллигенцияни, ёшларни, студентларни жалб қилиш троцкизмнинг активлашувига сабаб бўлди. Троцкизм худди ана шу пролетар бўлмаган қатламлар орасидаги ғоявий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаган қисмларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Маоизм ва троцкизм — ҳозирги даврда «сўл» оппортунизмнинг кенг ёйилган икки кўринишидир. Улар ўртасида чуқур маънавий ўхшашлик мавжуд. Хитой раҳбарлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг бош йўлига қарши чиққанларида, троцкийчилар уларнинг сиёсатини ва тактикасини маъқуллаб чиқдилар. Латин Америкаси троцкийчиси Посадос Хитой раҳбарларининг тутган йўлини ҳақиқий революцион йўл, деб ҳисоблайди. Троцкийчилар сингари маочилар ҳам ўзининг ўта революционлигини таъкидлайди, гўё бошқа компартиялардан «революция қилиш керакми ёки йўқми?» деган масалага ижобий жавоб бериши билан фарқ қилади, яъни улар жаҳонда якка-ягона революцион сиёсий куч ролини ўйнашга даъвогар бўла бошладилар. Улар ўзларининг сиёсатини КПССга, қардош социалистик мамлакатларга, марксча-ленинча, интернационалистларча позицияда турган коммунистик партияларга қарши йўналтирадилар.

Жаҳон коммунистик ҳаракати учун ҳозирги замоннинг ана шу «сўл» оппортунистик оқими сифатида маоизм ва троцкизм жуда ҳам хавфлидир. Маоизм ва троцкизм халқаро коммунистик ҳаракатга қарши, унинг стратегия ва тактика масалаларидаги айрим қисмигагина қарши чиқмай, балки унинг барча йўлига қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқда. Улар халқаро коммунистик ҳаракатга, социалистик мамлакатларга, СССРга қарши чиқиб, ажратувчилик, бузғунчилик қилмоқдалар.

Ҳозирги замон оппортунизмининг ғоявий-сиёсий платформаси қандай?

«Сўл» оппортунистлар жаҳонда бўлаётган ўзгаришларни тўғри баҳолай олмаяптилар. Улар социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги натижасида вужудга келган ўзгаришларни ҳам кўрмаётирлар ёки ҳисоблашини истамаётирлар. «Сўл» оппортунистлар ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи асосий куч — жаҳон ишчилар синфи ва унинг самараси — жаҳон социалистик системаси турганлигини инкор қилмоқдалар.

Маълумки, уруш — капитализмнинг доимий йўлдоши. Бутун жаҳонда синфий кучлар нисбатининг социализм, демократия ва тинчлик фойдасига ҳал бўлишини объектив таҳлил қилиш КПССни ва жаҳон коммунистик ҳаракатини урушни бартараф этиш вақти етди деган муҳим илмий хулосага олиб келди. «Сўл» оппортунистлар эса бунга қарама-қарши ўлароқ, империализм мавжуд экан, янги жаҳон уруши албатта бўлади, уни бартараф этиб бўлмайди деб ишонтирмоқчи бўладилар. Троцкийчи Посадос «уруш — капитализмни бартараф қилиш воситасидир ва шунинг учун ҳам социалистик мамлакатлар уни дарров бошлашлари керак» дейди. Термоядро урушида бериладиган қурбонлардан қўрқмасликка чақириб, Посадос шундай дейди: «Коммунистик жамият вайроналарда ҳам қурилиши мумкин».

Хитой Компартиясининг IX съездида (1969 йил, апрель), қуйидаги тезис олға сурилади: «ё уруш революцияни туғдиради, ёки революция урушни олдини олади». Кўриниб турибдики, маоизм уруш ва революцияни бир-бири билан боғлиқ қилиб қўяди. Бу билан улар тинч-тотув яшашнинг ленинча принципларини инкор этади.

«Сўл» оппортунистлар турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини синфий курашга қарама-қарши қўяди. Улар тинч-тотув яшаш синфий курашни истисно қилади, ишчилар синфи ишига зарар келтиради, дейдилар. Аммо, маоизм навбатдаги тактик бурилиш ясаб, яна «тинч-тотув яшашнинг беш принципини» олдинга суради. Лекин синфсиз, антиленинча позицияда туриб, империализм билан келишувчилик қилиб принципсиз сиёсат юритадилар. Троцкизм ва маоизм умумдемократик характердаги талабларга қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, демократия учун кураш — фақат фойдасизгина эмас, балки зарарлидир. Гўё демократия ишчилар синфи учун капиталистик жамиятни «революцион асосда эгдаришга» куч тўплашга имконият бермас эмиш.

Марксизм-ленинизм умумдемократик талаблар учун кураш, ишчилар синфи ва унинг партиясининг социализм учун курашининг ажралмас таркибий қисмидир, деб таълим беради. Ҳозирги даврда умумдемократик ва социалистик вазифаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари масаласида ҳам «сўл» оппортунистлар ўзларича мулоҳаза юритадилар. Улар революцияни уруш билан боғлаб, социализмга ўтишда курашнинг қуролли, нотинч формасини абсолютлаштирадилар, тинч йўлини эса умуман инкор этадилар. Тинч йўл билан социализмга ўтишни тан олиш, — дейдилар улар, — ишчилар синфи ишига сотқинлик қилиш билан баробардир.

Сўнгги йилларда «сўл» оппортунистлар миллий-озодлик ҳаракати, унинг халқаро революцион ва антиимпериалистик курашдаги роли масаласига катта эътибор беряптилар. Айниқса улар бу ҳаракатни ҳозирги даврнинг бошқа революцион оқимларига қарама-қарши қўймоқдалар. «Сўл» оппортунистлар империализмга асосий зарбани берувчи куч— бу колониал революциялардир, деб ҳисоблашмоқда. Гўё энди жаҳон революциясининг етакчи ва бош кучи ишчилар синфи эмас, балки колониал революция эмиш.

Аммо, ривожланган капиталистик мамлакатларда синфий курашнинг кескинлашуви троцкийчиларни ўз стратегиларини ўзгартиришга мажбур қиляпти. Энди улар «Ғарбий Европада пролетар революциясини кечиктирмай тезлаштириш» керак, деб даъво қиляптилар. Маочиларнинг қарашлари ҳам троцкийчиларникидан фарқ қилмайди.

«Сўл» оппортунистлар социализм ва коммунизм қуриш масаласидаги марксча-ленинча қоидани, жумладан социализм қурилишида пролетариат диктатурасининг роли масаласини бузиб кўрсатадилар. Улар социализм шароитида синфий кураш кескинлашиб боради, пролетариат диктатураси эса коммунизмнинг тўла ғалаба қозонгунича ҳам зарур дейдилар.

Ҳозирги дунёнинг қудратли ва энг таъсирчан сиёсий қучига айланган жаҳон коммунистик ҳаракати оппортунизмга қарши курашда большевиклар партияси ва Коминтернниг тажрибаларига суянган ҳолда иш олиб бормоқда. Ўз даврида В. И. Ленин бошчилигида ва ҳозир ҳам Коммунистик партиямизнинг реформизм, оппортунизмга қарши принципиал партиявийлик позициясида туриб олиб бораётган кураши барча қардош партиялар учун буюк намуна ва қўлланма бўлиб хизмат қиляпти.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

Совет мутахассисларининг ёрдами билан Улан-Баторни ривожлантириш ва қанта қуриш оош плани ишлаб чиқилди. Яқин ўн йил ичида шаҳарни тўла қайта қуриш кўзда тутилмоқда. Ҳозир Монголия Халқ Республикасининг пойтахтида турар-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Суратда: Улан-Баторнинг 12-микрорайонида қурилган янги турар-жой бинолари.

М. Акимов фотоси. (ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ ЛЕНИНЧА УСЛУБИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети секретариати аъзоси З. Жандаровскийнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Партия қурилишининг актуал проблемалари тўғрисида»ги нутқлари тўпламига бағишлаб ПБИП Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Нове Дроги»нинг июль ойи сонида босилган мақоласи «КПСС — коммунизм қурилишида етакчи куч» деб аталади.

Мақолада бундай дейилади: Л. И. Брежневнинг тўпламга киритилган нутқлари ва мақолаларида КПССнинг коммунизм идеаллари ғалабаси учун курашнинг ички ва халқаро фронтидаги толмас ва самарали фаолияти акс эттирилади, ўртоқ Л. И. Брежневнинг назарияга ва коммунистик қурилишда партиянинг раҳбарлик ролини амалда рўёбга чиқаришга шахсан ҳисса қўшаётганлигини ифодалайди, гоят катта қимматга эга бўлган фикр-мулоҳаза ва директиваларни ўз ичига олади, коммунистик партиявийлик ва партиявийлик намунаси бўлиб хизмат қилади. КПСС раҳбарининг нутқларини ўрганиш ҳар бир коммунист учун муҳим аҳамиятга эгадир, чунки Ленин партияси тажрибасининг бой хазинасини яхшироқ билиб олиш имконини беради. Ленин партияси тажрибасининг бу бой хазинасида марксчи-ленинчи партияларнинг умумий ҳаракат принциплари айниқса ёрқин акс эттирилади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари партия ички демократиясини чуқур ҳурмат қилишга ва демократик централизм принципларига изчиллик билан риоя қилишга ҳамда партия интизомини мустаҳкамлашга асосланган партиявий ишнинг ленинча услубини қўлланиш ҳамда такомиллаштириш соҳасида КПССнинг бой тажрибасини кўрсатиб беради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мақолалари ва нутқлари, деб ёзади «Нове Дроги» журнали, Советлар мамлакати экономикасини тез ва уйғун равишда ривожлантиришни таъминлаш соҳасида КПССнинг жуда кенг ва кўп қиррали ташкилотчилик ҳамда сиёсий фаолиятининг манзарасини яратиб беради.

КПССнинг ички сиёсат соҳасидаги фаолияти унинг халқаро майдондаги активлиги билан чамбарчас боғлангандир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари партия сиёсатининг принципиал ва интернационал мазмунини ҳамда халқаро майдонда Советлар мамлакати фаолиятининг мақсадларини акс эттиради. Ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик ва социализм кучлари халқаро бирлигининг жарчиси сифатида ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди.

Мақоланинг охирида бундай деб таъкидланади: Ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида ўртага қўйилган проблемалар партиямиз иши учун ҳам бевосита аҳамиятга эгадир, чунки бу проблемалар барча марксчи-ленинчи партиялар учун муштарак бўлган иш ва тараққиёт принципларига тааллуқли бўлиб, ҳаракатимиз илғор отрядининг тажрибасини умумлаштиради. Шу боисдан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг партия қурилиши масалаларига бағишланган нутқ ва мақолалари тўплами партиямиз активларини гоят қизиқтирмоқда.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК

Наманган области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларига ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини кескин ошириш билан жавоб бермоқдалар. Барча куч ва имкониятлар бу йил область бўйича 450 минг тонна пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва топшириш, тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажаришга қаратилмоқда. «Наманган ҳақиқати» газетаси область меҳнаткашларининг мусобақаси, улар эришаётган муваффақиятлар, илғор тажрибаларни умумхалқ мулкига айлантириш борасида қилинаётган ишларни ойдинлаштиришда бир мунча ишлар қилмоқда. «Меҳнат шон-шараф, қаҳрамонлик иши!» деган умумий сарлавҳа остида босилган материаллар газетхонлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.

Афсуски, газета фаолиятида ана шундай ибратли ишлар билан бирга, баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу камчиликлар энг аввало газетанинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари қўйган вазифаларни қамраб ололмаётганлигида сезилмоқда. Область меҳнаткашларининг улкан яратувчилик йўлида қилаётган меҳнати «Наманган ҳақиқати» газетаси саҳифаларида ўз аксини тўла топаётгани йўқ. Энг актуал мавзулар чала-чулпа ёритиляпти. Бу айниқса Пленум қарорларини амалга ошириш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишлаётган илғор коллективлар, ишлаб чиқариш машъалларининг меҳнат муваффақиятлари, кураш ва интилишлари, илғор тажрибалари ҳақидаги материалларда яққол сезилиб турибди.

Газетада баъзан илғорлар ҳақидаги мақола ва корреспонденцияларда фактлар юзаки талқин қилинмоқда. Масалан, газетанинг 28 март сонида «Ташаббус қанот ёзмоқда» сарлавҳали мақолада 1975 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишлаётган ишчиларнинг қандай қилиб бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга эришаётганликлари атрофлича очиб берилмаган.

Газета саҳифаларида социалистик мусобақа мавзуи ҳам тўла очиб берилаётгани йўқ. Бу айниқса бош мақолаларда яққол сезилади. Масалан, 7 март куни босилган «Мусобақа — ижодий меҳнат» сарлавҳали бош мақолада социалистик мусобақани ташкил этиш ва олиб боришнинг усул ва услублари ҳақида ҳеч гап айтилмаган. Мавзу бир ёқда қолиб, ваъзхонлик ва насиҳатгўйликка ўтиб кетилган. Газетанинг 16 январь сонида «Миллионлар мусобақасини кучайтирайлик» умумий сарлавҳаси остида берилган подборкадаги «Актив қўшиламиз», «Қишлоқ хўжалик ходимларининг мусобақаси» сарлавҳали, шунингдек 26 июнь сонидаги «Тўққизинчи ташаббусига қўшилиб» сарлавҳали материалларидан бошқа мақола, корреспонденция ва хабарларда асосий мавзу жуда юзаки ёритилган. «Коммунистлар олдинда», «Илҳомлантирувчи куч» сарлавҳали мақолаларда эса социалистик мусобақанинг қудратли кучи, уни колхоз ва совхозларда, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиш тажрибаси, мусобақанинг асосий принциплари — оммавийлик, ошкоралик, натижаларни таққослаш, илғор тажрибаларни қўлланиш аҳволи ҳамда шу ишдаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат эканлиги газетхонларга номаълум бўлиб қолган.

КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорида халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришга, ижтимоий-ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланган. «Наманган ҳақиқати» газетасида шу мавзуда ёритилаётган материаллар талабга тўла жавоб бера олади, деб бўлмайди. Газета саҳифаларида янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, машина ва ускуналардан тўла унум билан фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтириш, тежамкорлик ва иқтисод қилиш аҳволи, кам чиқим қилиб, кўп ва яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошланган кураш натижалари ҳақида анда-сонда, кўпинча информация характеридаги хабарлар бериш билан чекланиб қўяқолинмоқда. Газетада чиқаётган материалларнинг аксарият қисмида эса мавзу ичига чуқур кириб борилмайди, фактлар атрофлича таҳлил қилинмайди. Масалан, газетанинг 8 июнь сонида «Юксак маҳорат ва юқори сифат учун» рубрикаси остида босилган «Ривожланиш йўлидан» сарлавҳали корреспонденция мазмун эътибори билан қўйилган рубрикага тўла жавоб бермайди. Унда тикувчилик фабрикасида маҳсулот сифатини яхшилаш учун амалга оширилаётган тадбирлар, бу соҳада тўпланган тажрибалар ҳақида фикр юритиш ўрнига авторлар корхонада «Сифат куни» ўтказилаётганини эслатиш билан чекланганлар.

КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қўйган вазифаларнинг бажарилишининг боришини изчиллик билан кенг ёритиш вақтли матбуотнинг шу кунги муҳим вазифасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV Пленуми қарорида ҳам ана шу масала алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. «Наманган ҳақиқати» газетасининг ижодий коллективи Пленум қароридан келиб чиққан ҳолда ўзининг бутун диққат-эътиборини шу вазифага қаратмоғи лозим.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

СТОКГОЛЬМ, 1 август. (ТАСС). Швеция коммунистларининг «Норшенсфламман» газетаси коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватламоқда. Газета бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: 1969 йилда Москвада ўтказилган кенгашдан кейин беш йил мобайнида катта воқеалар рўй берди. Бу даврда тинчлик ва социализм кучлари катта ғалабаларга эришди. Бу кучлар ўз позицияларини мустаҳкамладилар.

Айни вақтда, деб таъкидлайди газета, «Фашизм ҳали тугатилган эмас, балки аксинча жаҳоннинг бир қанча районларида ҳаракат қилмоқда. «Совуқ уруш» тарафдорлари кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига тўсқинлик қилиш учун доим уринмоқдалар. Ядро уруши хавфи ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Монополиялар ва янги мустамлакачилар бир қанча мамлакат ва халқларга ўз таъсирини кучайтириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Жаҳон революцион ҳаракатининг биргаликда кўрадиган тадбирларини бунга қарама-қарши қўйиш зарур».

Бундай шароитда, деб уқтириб ўтади «Норшенсфламман» газетаси, коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш пайти келди.

Газета мақоланинг охирида қуйидагиларни ёзади: «Асосий революцион кучларни сафарбар қилиш империализм ва уруш кучлари устидан янги ғалабаларни қўлга киритиш учун негиз яратиб беради. Коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш зарурлиги ва унинг аҳамиятига шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак».

ИГВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ, 1 август. (ТАСС). Исроил Ливанга қарши игвогарликни давом эттирмоқда. Рашайя ал-Фуххар, ал-Хрейбе ва Ибл ас-Саки водийси кеча артиллериядан шиддатли тўпга тутилди.

Яродор бўлганлар бор, қишлоқ хўжалиги экинларига каттагина зарар етказилган. «Ал-Ҳаёт» газетасининг хабар беришича, исроилликлар Тир шаҳри районидаги бир қанча қишлоқларни ҳам артиллериядан ўққа тутган.

Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари Сайда шаҳри ҳамда жанубий Ливандаги бир қанча бошқа аҳоли пунктлари устидан учиб ўтган.

Исроил катерлари Сайда шаҳридан олисда бўлмаган Ливаннинг территориал сувларига бостириб кирди.

КИПРДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 1 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг Кипрдаги аҳвол хусусида навбатдаги доклади БМТда тарқатилди. Бу докладда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Туркия қўшинлари кейинги уч кун ичида Киренияннинг ғарби ва жанубида янги позицияларга силжидилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақловчи кучлари оролнинг ҳамма қисмларида патруллик қилиб турибдилар. Турк қўшинлари эгаллаган зона бундан мустаснодир. Туркия қўмондонлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу зонадаги кучларини мамлакатнинг бошқа районларига кўчиришни талаб қилди.

Докладда айтилишича, 31 июлда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу оролдаги кучлари 3.484 солдат ва офицердан иборат бўлди. Дания, Канада, Финляндия ва Швеция қўшимча бўлинмалари 12 августга қадар оролга келтирилади. Шундан кейин қўшинлар сони 4.443 кишига етади.

ЯНГИ РАДИОСТАНЦИЯ

ВАРШАВА, 1 август. (ТАСС). Польшада янги радиостанция ишга тушди. Константиновда қурилган баландлиги 646 метр бўлган радио мачта Польша радиосининг биринчи программаси эшиттиришларини мамлакатнинг бутун территориясида яхши қабул қилинишини таъминлайди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси дарёлари ва кўлларида балиқ овлаш 1964 йилдагига нисбатан 70 процент кўпайди. Бундай натижага умумий майдони 133 минг гектар бўлган ички сув ҳавзаларига яхши қаралганлиги туфайли эришилди. Ички сув ҳавзаларида балиқларнинг қимматли турн насллари етиштирилмоқда. Бу ерда зоғора балиқ ва хон балиқлари жуда қадрланади.

Шверин округи ва Гера округидаги Тюринген ўрмони сув ҳавзасида хонбалиқ боқиладиган катта қўриқхоналар жойлашган. Анъанавий немис таомларига ишлатиладиган зоғора балиғининг тўртдан бири Котбус яқинидаги Пейц районида овланади. Бу ерда балиқ урчитиладиган Германия Демократик Республикасида энг катта корхона жойлашган.

◆ ЛОНДОН. Гайана полицияси Гайана халқ тараққийпарвар партиясининг қароргоҳига ҳужум қилди. «Қурол ва ўқ дори» қидириш баҳонасида хонада тинтув ўтказилди. Рейтер агентлиги мухбирининг Жоржтаундан хабар беришича, Гайана халқ тараққийпарвар партиясининг бош секретари, мамлакатнинг собиқ бош министри Чедди Жаган вақтинча ушлаб қолинган ва сўроқ қилинган.

◆ БРАЗЗАВИЛЬ. Конго ҳукумати янги банк «Конго банклари бирлашмаси» акциясининг контроль пакетини сотиб олажагини эълон қилди. Давлат шу банк акциясининг 51 процентига эга бўлади. Банк капитали 600 миллион Африка франкидан иборат.

◆ КИТО. Эквадор президенти Гильермо Родригес Лара «Экуаториана де авиасьон» хусусий авиакомпанияси устидан давлат назорати ўрнатиш тўғрисидаги декретни имзолади. Авиакомпания бундан буён «Эмпреса фкуаториана де авиасьон» деб атала бошлайди.

(ТАСС).

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Бутун жаҳон демократик жамоатчилиги Чили ҳарбий хунтасига лаънат ўқимоқда ва бу хунтанинг Чили демократларига қарши авж олдириб юборилган репрессияларини қораламоқда. Турли ташкилотларнинг вакиллари хунтанинг террори тўхтатилсин, зиндонларда азоб чекиб ётган Чили демократлари озод қилинсин, деб талаб этмоқдалар.

БЕРЛИН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхаймга юборилган телеграммада бундай дейилади: Чилида демократик кучларга қарши репрессиялар кучайиб кетганлиги муносабати билан халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси гоят ташвишланаётганлигини билдиради. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Чилида инсон ҳуқуқларининг бузилаётганлигига қарши, ўлим жазосига ҳукм қилинган демократларни қутқариш ва барча сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун дарҳол тегишли чоралар кўришга даъват этади.

СОФИЯ. Болгария касаба союзлари марказий совети Чили ҳарбийларининг репрессияларидан гоят дарғазаб бўлганлигини билдирди. Марказий совет бу ерда эълон қилинган баёнотида Луис Корвалан, Клодомиро Альмейда ва Халқ бирлиги блокининг бошқа таниқли арбоблари дарҳол озод қилинсин, деб қатъий талаб этди. Марказий совет Болгария меҳнаткашлари номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва халқаро меҳнат ташкилотига мурожаат қилиб, уларни халқаро меҳнат ташкилоти бош конференцияси 59-сессиясининг резолюциясини бажариш учун зарур норалар кўриш ва фашист хунтанинг жиноятларини текшириш учун Чилига комиссия юборишга даъват этди.

РИМ. Италиянинг Равенна шаҳри меҳнаткашлари Чилининг «Пингвин» кемаси Равенна портига киришига қарши касаба союз ташкилотларининг даъвати билан қисқа муддатли забастовка ўтказдилар. Равенна порти ишчилари бу кемага хизмат кўрсатишдан бош тортдилар. Улар бу ерда эълон қилган баёнотида фашист хунтанинг Чили ватанпарварларига қарши террор ва репрессияларини қаттиқ қораладилар, Чили меҳнаткашлари ва халқининг ҳарбий фашист хунта ўтказиб келаётган диктаторлик режимига қарши олиб бораётган кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

БУЭНОС-АЙРЕС. Фашист хунтанинг Чили ватанпарварларига қарши репрессияларни кучайтириб юборганлиги Аргентина жамоатчилиги кенг доираларини ғазаблантирди. Пойтахт матбуоти ва радиоси хунта ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий трибунали томонидан Халқ бирлиги тарафдорларидан тўрт киши ўлим жазосига ҳукм қилинганлигини ва чililiklardan 56 киши узоқ муддат билан турма жазосига ҳукм қилинганлигини қатъий қораламоқда. «Кроника» газетаси ва «Радио Ривадавиа» радиостанцияси жаҳон жамоатчилигини ҳукмларни бекор қилишни, репрессияларни тўхатишни хунтадан талаб қилишга даъват этди. (ТАСС).

Сомалида кўчма қум уюмларига қарши кураш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳар йили 15 метр силжувчи сариқ қум уюмлари йўллар ва далаларни қоплаб олади, қишлоқларни вайрон қилади, алоқа линияларини ишдан чиқаради.

Мамлакат ҳукумати чақириғига биноан минглаб кўнгиллилар кўчма қумларнинг йўлини тўсишга отландилар.

Суратда: кўнгиллилар отрядлари Мерк шаҳри районида кўчма қум уюмлари ҳаракатига қаршн кураш ишларини олиб бормоқдалар.

Д. Степанченко фотоси. (ТАСС).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЧЎЛҚУВАРЛАРНИНГ ЯНГИ ГАЗЕТАСИ

«Голодностепстрой» бошқарма кенгаши ва партия комитетининг органи — «Чўлқувар» газетасининг биринчи сони чиқди. Газетанинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Қайдаловнинг «Ленин Мирзачўл ҳаритаси олдида» картинасидан фоторепродукция босилган.

Газетада, шунингдек, СССР Журналистлар союзи, «Журналист» журнали, бир қатор республика ва область газеталари ва ижодий союзларнинг табриклари берилган.

«Чўлқувар» газетасининг биринчи сонида «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроевнинг «Ҳужум давом этади» сарлавҳали мақоласи, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори, СССР Олий Советининг депутати И. Охунова, «Янгиерводстрой» трестининг 18-кўчма механизациялашган колоннаси скрейперчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Крупский ва бошқа бир қанча қурувчиларнинг мақолалари, меҳнат коллективларининг ғалаба рапортлари босилган.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

ВАТАНГАДОЛАР

«Мен Нью-Йорк бўйлаб иш излаб юрибман. Ўнлаб корхона ва муассасалар, қатор институт ва лабораториялари кезиб чиқдим. Ҳаммаси фойдасиз. Баъзида ваъда беришади, қўнғироқ қилишни сўрашади, шу билан ҳамма нарса тугайди».

Кўп йиллар мобайнида совет олий ўқув юртларида физика ва электроника соҳаси бўйича дарс берган инженер Семен Рабинович ана шундай деб ёзади. У 1970 йилда Исроилга жўнаб кетди, лекин орадан уч ой ўтгач, «сионистлар жаннати» тўғрисидаги барча баланд парвоз сўзлар қуп-қуруқ уйдирма эканлигини тушунди ва Америкага йўл олди. Бугунги кунда у Нью-Йоркдаги районлардан бири — Бруклинда жуда кичик хонада ижарада турибди.

«Мана уч йилдирки, — дейди ҳасратланиб, — Рабинович, — Америкада иш топа олмаяпман. — Нью-Йорк университетининг Хантер коллежи физика кафедраси мудирига, унинг ҳамкасби профессор Комарга мурожаат қилдим. Мен инглиз тилида бемалол лекция ўқий оламан. Бироқ, мени дарс беришга ҳам, лабораторияда ишлашга ҳам олишмади. Ҳозир яшаш учун ҳар қандай ишга боришга розиман».

Совет Иттифоқини тарк этган, яшаш учун Исроилга келган ва Америкага жўнаган олий маълумотли кишилардан биронтаси ўз мутахассислиги бўйича ишлай олмаяпти, дея тасдиқлайди Рабинович. Масалан, Львовдан келган кимёгар-инженер Вилк узоқ сарсонликдан сўнг тунги қоровул бўлиб ишга жойлашди. Москвалик ўқитувчи Беленькая эса идиштовоқ ювувчи. Бу вақтинча ишим, дейди у ич-ичидан куйиниб. Врачларга келсак, улар эндиликда умуман медицина соҳасини орзу қилолмасалар керак.

«Бу ерда, Америкада, — деб ёзади Семён Рабинович, — даволаниш учун ҳаддан ташқари юқори ҳақ тўламоқ даркор. Клиникада бир неча кун даволаниш минглаб доллар туради. Совет Иттифоқида кишилар бепул даволанадилар, деган ҳақли гапларга бу ерда, ҳаттоки ишонишмайди. Рақобатга йўл қўймаслик учун АҚШда четдан келадиган врачларни чеклаш ташкил этилган. Бу ғовдан малакаси юксак шифокор ҳам ўтолмайди.

«Нью-Йорк пост» газетаси масалан, яқинда қуйидагиларни маълум қилди: 28 кишидан иборат чет эллик шифокорлар гуруҳи касалхоналарда ишлаб юрмоқ ҳуқуқини олиш учун икки йил мобайнида имтиҳон топширишга тайёргарлик кўрган. Лекин, уларнинг ҳаммаси имтиҳондан ўта олмадилар. Имтиҳон пайтида берилган саволлар медицина соҳасига мутлақо оид эмас эди, бундан мақсад даъвогар шифокорни медицина соҳасида бойлик орттириш кўчасига яқинлаштирмасликдир.

СССРдан жўнаб туриб, бутун ҳаётнигни бағишлаган ўз касбинг билан умрбод хайрлашишга тўғри келади, деб қайси биримиз ўйлаган эдик, дейди Рабинович изтиробда. — Биз ҳаттоки, фақатгина Совет Иттифоқида меҳнатга ҳуқуқ борлиги ва у инсон ҳаётининг асоси эканлиги, бу Америкада йўқлиги ҳақида ўз-ўзимизга ҳисобот бермаганмиз. Бизнинг фарзандларимиз кўчаларда қийналиб тарбияланадилар ва уларнинг ўқиши учун пул йўқлиги сабабли саводсиз бўлиб ўсадилар деб ҳеч биримиз ўйламаган эдик. Ахир, Ватанлари — Совет Иттифоқида уларни бепул мактаб ва олий ўқув юртлари, келажакда эса, ҳар бирининг хоҳишига кўра ишлар кутарди. Уларнинг ота-оналари ҳам аччиқ кўз ёшларини тўкишмоқда.

Семён Рабинович унинг совет гражданлигини тиклашни илтимос қилмоқда. У СССРга қайтишни истайди. Айни даврда сионист корчалонларнинг мақсади миллати яҳудий бўлган совет гражданларини ўз ҳузурларига чорлаб, уларни ҳар қандай ишга тайёр, ҳуқуқсиз инсонга айлантиришдир.

Б. АНТОНОВ,
АПН шарҳловчиси.

БЕЛОРУССИЯ СОВҒАСИ



Минскдаги соатсозлик заводи конвейеридан «Луч-2209» маркали соат чиқа бошлади. Бу соатлар Урта Осиё аҳолисига аниқ вақтни билиб олиш учун хизмат қилади. Циферблатларда рус тилида «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» деб ёзилган.

Совет Ўзбекистони ва республика Компартияси 50 йиллиги шарафига яна бир туркум биринчи даражали эркаклар қўл соати чиқарила бошланди. Минскликлар бундан бироз вақт илгари юбилей шарафига «Луч-1800» маркали хотин-қизлар қўл соатларидан икки мингтасини юборган эдилар.

Завод оператори Ирина Радкевич серкуёш республиканинг олтин юбилейига аталган мана шу соатларни биз зўр қувонч билан тайёрладик, — деди. Биз бу соатларни узоқ вақт ва пухта ишлайдиган қилиб ишладик. Булар соат эгаларини Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳам ва кўп миллатли Ватанимиздаги барча кишиларнинг ҳам байрамини кўп йилларгача эслатиб туради.

Ирина Радкевич корхона йиғув цехидан келадиган барча маҳсулотни текшириб турадиган лабораторияда ишлайди. Ҳатто оддий кўз билан кўриш қийин бўлган жуда кўп деталларни сезгир аёл қўллари билангина йиғиш мумкин. Мамлакатимиз саноатида чиқарилаётган ҳамма соатларга қараганда энг кичиги бир тийинлик тангадек бу соатларда юздан ортиқ деталь бор! Механизмга битта ҳам чанг юқмаслиги керак. Шунинг учун ҳам заводнинг чароғон цехлари ғоят озода.

Бу соатларнинг деталлари миллиметрнинг мингдан бир қисмигача аниқлик билан ишлайдиган махсус автомат станокларда тайёрланади. Минскдаги завод иш жойларининг замонавий техника билан шайланганлиги жиҳатидан шу тармоқда илғор ўринни эгалламоқда.

«Луч» маркали соатларни ишлаб чиқаришда мамлакатнинг жуда кўп деталларини етказиб бераётган кўпгина корхоналари қатнашмоқда. Шунинг учун ҳам маҳсулот тобора кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Шу беш йиллик мобайнида бундай соатларни ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Бу йил 3,5 миллион донага яқин «Луч» соатлари тайёрлаб чиқарилади. Катталиги ва шакли жиҳатидан ҳар хил, циферблати ва миллари жуда хилма-хил бўлган олтин ва хромланган бу бежирим ва пухта соатлар энг талабчан харидорга ҳам манзур бўлиши мумкин. Бу соатларни ҳозир Англия ва Канададаги, Афғонистон ва Туркия, Швеция ва Миср Араб Республикасидаги фирмалар, барча социалистик давлатлардаги савдо корхоналари сотиб олмоқда.

В. ШАНЬКОВ,
Белоруссия информация агентлигининг мухбири.

Минск (Телетайп орқали олинди).

ТОШДАГИ ТАРИХ

Ҳозирги Самарқанд областининг территориясида узоқ ўтмишда шерлар бемалол яшаган. Самарқандлик зоотехник Георгий Владимирович Шацкий Зайнок қишлоғи яқинида Нурота тоғларидаги бир қанча тасвирларни, расмларни ўрганган, шундай хулосага келди.

Қадимги рассом ҳайвонлар подшосини қарийб ярим катталигида тошга ўйиб суратини олган. Орадан бир неча асрлар ўтгач, бирор кимса у чизган суратнинг ростлигига шубҳаланишини бамисоли сезгандек, номаълум тарихчи ҳайвоннинг ўзига хос белгиларини — серкокил ёлини, ийғон ва калта панжаларини, думининг учидаги елпигичсимон жунни моҳирона тасвирлаган.

Петроглифларни — қоялардаги тасвирларни ўрганиш кўп йиллар мобайнида Бутуниттифоқ қорақўйчилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб келаётган Г. В. Шацкийнинг ўзига хос ҳунари бўлиб қолди. Бундай қизиқиш эса яқин орада, олтмишинчи йилларнинг ўрталарида, Шацкий Нурота тоғларида жойлашган «Москва» колхозининг тоғ яйловларидан қайтиб келаётганида бошланди. Ўшанда чорвачилик бўйича мутахассис қуёшда қорайиб кетган ҳарсангтош парчасидаги антиқа ёзувларга тасодифан дуч келиб қолди. Шундан бери унинг уйидаги архивда қадим асрлар қаъридан топилган ва келган мактублар тасвирланган юзлаб фотосуратлар ва суратлар пайдо бўлди. Улар орасида илгари фанга номаълум бўлган бир қанча янги суратлар ҳам бор.

Г. В. Шацкий геологияни яхши билади. Бу эса петроглифларни ўрганувчи бошқа ҳаваскорлар ва мутахассис археологлардан кўра унга бир қанча енгилликлар туғдиради. Зоотехник кўпгина суратларни ўзича «ўқиб», чорвачилик ўлкасининг қадимий тарихини, айрим турларнинг келиб чиқишини тиклашга муваффақ бўлди.

Тадқиқотчи Нарпай районидаги «Қарноб» совхози яқинида сакраб кетаётган таканинг сурати аниқ ўйилган тошни учратиб қолди. Уни така шохларининг шакли қизиқтириб қолди: така шохлари худди Сибирь такаларининг шохига ўхшаб кетарди. Петроглифларни йиғувчиларнинг фикрига қараганда, бу сурат Осиё такаларининг келиб чиқиши тўғрисидаги масалани ҳал этишда қимматли материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Чодак қишлоғидан ғарб томонроқда топилган бошқа бир суратда Г. В. Шацкий ёввойи эчкини қувиб кетиш манзарасини кўрди. Овда қатнашган итларнинг оёқлари узун, ингичка бўлиб, думлари жингалакроқ, қулоқлари бошқачароқ эди. Бу ов манзарасини бошқа тасвирлар билан таққослаб чиққан тадқиқотчи Ўзбекистон территориясида яшаган олис ўтмишдаги аждодлар овчар итларнигина боқиб қолмасдан, тоғ итларни ҳам боқишган деган тахминга келди. Ўша Нурота тоғларининг торгина Пўлатбулоқ сойида ўркачи катта туяларнинг қояларга ўйилган суратлари топилди. Ана шу суратларга асосланиб туриб туялар жуда барвақт қўлга ўргатилганлиги тўғрисида, Ўзбекистон территориясида жойлашган қадимий чорвадорларнинг наслчилик ишлари қанчалик юксак даражада бўлганлиги ҳақида хулосаларга келиш мумкин.

Г. В. Шацкий ўз тадқиқотларининг натижасини «Тошдаги расмлар» деган китобида баён этди. Бу китоб Ўзбекистон тарихий ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг ёрдами билан нашр этилган, кўпгина петроглифлар, суратлар билан безатилган ўзининг бу асарини тамом қилган тадқиқотчи кексайиб қолганига қарамасдан, ўз коллекциясини кенгайтирмоқда. Уни янги-янги сафарлар, янги-янги қашфиётлар кутяпти.

Г. ЛИПШИЦ,
ЎзТАГ мухбири.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

Республика конкурси

ҚЎҚОН. Шаҳардаги пойафзал фабрикасида энг моҳир пойафзал бичиқчиларининг республика конкурси бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Фарғона, Андижон, Чирчиқ, Янгийўл, Қўқон шаҳарлари ва Тошкентдаги 1- ва 2- пойафзал фабрикаларининг ишчилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Уч кун давом этган мусобақада қўқонлик З. Кассап ва Т. Прохорова, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси Л. Барелиналар энг кўп очко тўплаб, ғолиб чиқдилар.

Ғолибларга Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва тўқимачилик ҳамда енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг диплом ва пул мукофотлари топширилди.

М. ЙЎЛДОШЕВ.

Жамоатчилик асосида

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхозда жамоатчилик асосида меҳнат ва жангговар шон-шуҳрат уйи ташкил этилди. Бу ердаги экспонатлар ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш ҳақида бой маълумот беради. Стендларда Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари тўғрисидаги материалларга катта ўрин берилган. Ветеранлардан Абдуқодир Юсупов, Отахон Аҳмедов, Абдулатиф Эргашев ва бошқа ватанпарварларнинг революцион фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар айниқса томошабинлар эътиборини тортмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

БЕШ ЙИЛЛИК МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ

СССР Журналистлар союзи правлениеси, Туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий совет, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризм бўйича Бош бошқарма, «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси матбуот, телевидение ва радиода, туризм ва экскурсияларни энг яхши ёритганлик учун Бутуниттифоқ конкурсини 1974 йил охиригача давом эттиришга қарор қилдилар. «Беш йиллик маршрутлари бўйлаб» шиори остида ўтаётган бу конкурснинг мақсади — туризм ва экскурсияларни оммалаштиришдан, саёҳатларни янада ривожлантириш ҳамда туристларга энг яхши хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ёзиладиган материалларнинг тематикасини кенгайтиришдан, мазмунини янада яхшилашдан иборат.

Конкурсда марказий, республика газета ва журналлари билан бир қаторда область, шаҳар ва район газеталари, телевидение ва радиоэшиттириш коллективлари, шунингдек кундалик матбуотда ёки телевидение ва радио орқали ўз материаллари билан чиққан журналистлар қатнашишлари мумкин.

Конкурсга тематик серияли мақолалар ва эшиттиришлар, турли жанрдаги айрим материаллар-мақолалар, радио-телеочерклар, йўл хотиралари, репортажлар, фото ва бошқалар 1974 йилнинг 31 декабригача тақдим этилиши мумкин.

Редакциялар, телевидение ва радио ходимларини рағбатлантириш учун пул мукофотлари ва дипломлар: ҳар бири 500 сўмлик учта биринчи мукофот, ҳар бири 400 сўмлик учта иккинчи мукофот, ҳар бири 250 сўмлик учта учинчи мукофот;

ВЛКСМ Марказий Комитети, Туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий совет, СССР Журналистлар союзи ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича Бош бошқарма дипломлари берилади.

Энг яхши материалларнинг авторларини рағбатлантириш учун қуйидаги мукофотлар белгиланган: публицистик, проблематик материаллар учун ҳар бири 250 сўмдан учта мукофот; очерклар учун ҳар бири 200 сўмлик учта мукофот; репортажлар учун ҳар бири 200 сўмлик учта мукофот; тасвирий материал учун ҳар бири 150 сўмлик учта мукофот. Чет эллик туристларнинг СССРда бўлганлигини ва уларнинг совет воқелиги билан қандай танишганлигини энг яхши ёритганлик учун социалистик мамлакатларга учта туристик путёвка ажратилган. Бундан ташқари, ВЛКСМ Марказий Комитети, Туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий совет, СССР Журналистлар союзи ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича Бош бошқарманинг дипломлари берилади.

Мукофотга номзодлар босқичма-босқич аниқлаб борилади.

1975 йилнинг бошида конкурс қатнашчилари ўз материалларини область журналистлар ташкилотларининг правлениеларига, Ўзбекистон Журналистлар союзига юборадилар. Энг яхши деб топилган материаллар Бутуниттифоқ конкурси жюриси кўриб чиқиши учун 1975 йилнинг 1 февралидан кечиқмай юборилади.

Конкурсга якун ясалаётганда материалларнинг актуаллилиги, ғоявий-бадиий савияси, жанри, редакцияларнинг туристларнинг оммавий равишда дам олишини кенгайтириш ҳамда туристларга ва экскурсантларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ишида туристик-экскурсия ташкилотлари билан алоқаси эътиборга олинади.

Конкурс натижалари 1975 йилнинг апрель ойида эълон қилинади.

Ирригация ва гидротехника иншоотларини қуришдан аввал унинг тажриба-синов моделлари тайёрланиб пухта синовдан ўтказилади. Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари бу борада катта ишлар қилмоқдалар. Суратда: лаборант М. Муҳамедова ва қичик илмий ходим И. Лешанский Фарғона областидаги Сўх дарёси ўзанида қуриладиган тўғон моделини синаб кўришаётган пайт.

И. Глауберзон фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ГУГУРТ ҚУТИСИДАН МИНОРА

Париж яқинидаги Нейм шаҳарчасида машҳур Эйфель минорасининг нусхаси пайдо бўлди. Миноранинг баландлиги 3,2 метр, оғирлиги эса, 150 килограмм.

Эйфель минорасининг нусхасини соатсоз Жорж Витель гугурт қутисидан ясади. Бунинг учун 2 миллион 500 минг дона қути кетди. Витель ўзининг Эйфель минорасини «кўришга» тўрт ярим йил сарфлади.

ШОВҚИННИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Мутахассисларнинг фикрича, янги уйларга кўчиб ўтган оилалар билан бирга «шовқин ҳам келади». Янги турар-жой массивларида трамвай ва машиналарнинг қатнови, магазинларнинг очилиши — булар ҳаммаси шовқин-сурон келтириб чиқарувчи манба саналади. Бундан ташқари, машинаси бўлган оила уйига яқин жойда гараж бўлишини истайди.

ГДР мутахассислари айни вақтда турар-жой районларида кўча шовқинини камайтириш имкониятларини қидирмоқдалар. Бир қатор шаҳарларда тажрибавар ҳам ўтказиляпти. Олимларнинг мақсади шу йўллар орқали ҳар бир аҳоли яшайдиган массивнинг «шовқинлар харитаси»ни ишлаб чиқаришдир.

МУЗЕЙЛАР ЕПИЛМОҚДА

Италияда саёҳатлар мавсуми авжида. Шунга қарамай, мамлакатда машҳур икки музей ёпиб қўйилган. Бунинг сабаби хизмат кўрсатувчи ходимларнинг етишмаслигидир. Турин шаҳридаги Миср санъатини намойиш этувчи музейда 15 назоратчи саккиз минг экспонатни қўриқлашни таъминлай олмаяпти. Худди ана шундай сабабга кўра яна 15 минг экспонат узоқ йиллар мобайнида намойиш этилмай қолиб келмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

5 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — МОСКВА. «Калуга областининг муқобил плани — амалда». 19.40 — ТОШКЕНТ. Оламда нима гап? 20.00 — Рангли телевидение. «Денгиз тоши» (ҳужжатли фильм). 20.15 — «Ахборот». 20.30 — **Муҳаббат Шамаева куйлайди.** 21.05 — «Ахборот». 21.25 — А. П. Чехов. «Этик». Телевизион театр. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Амирликнинг емирилиши»** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 18.55 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли кино экрани. 18.30 — Эълонлар. 19.40 — МОСКВА. 20.15 — **«Оловсиз тун бўлмайди»** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. «Забт этилмаган ороллар» (ҳужжатли фильм). 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

⊙

6 АВГУСТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.40 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Қувноқ пионер ёзи. 19.05 — «Ахборот». 19.20 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Зангори кема» ижодкорлари». 19.50 — Шеърият мухлисларига. 20.00 — «Озуқа ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш резервлари. (3-кўрсатув). 20.25 — «Ахборот». 20.45 — Концерт. 21.30 — МОСКВА. «Вақт». 22.00 — **Футбол: «Шахтер» (Донецк) — «Динамо» (Киев).** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. «Тим Талер» (болалар учун спектакль). 12.00 — **«Менинг дадам капитан»** (бадиий фильм). 18.40 — МОСКВА. 18.50 — **Спорт программаси.** 20.30 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — **«Уйланмаган ҳодиса»** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — **«Чукотка бошлиғи»** (бадиий фильм). 20.45 — Балет сюитаси (фильм-концерт). 21.25 — «Якорь майдони» (телеспектакль).

⊙

7 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — «Старшеклассник» программаси. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — «Маочиларнинг Европада хавфсизликни таъминлашга қарши кураши». 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — Ёзувчи ва замон. 20.50 — «Ахборот». 20.10 — **«Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат»** (пахтакорлар учун). 21.25 — Танбур тароналари. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Инсонни ардоқланг»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. «Тим Талер» (телевизион спектакль, 2-қисм). 12.00 — Концерт. 19.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — МОСКВА. 23.35 — Рангли телевидение. Чим устида хоккей. **«Динамо» (Олмаота) — «Волга» (Ульяновск).** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Эълонлар. 20.20 — Тошкент телепрограммаси. «Шнорримиз сифат». 20.50 — «Якорь майдони» (телеспектаклнинг 2-қисми).

⊙

8 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.40 — ТОШКЕНТ. 18.45 — **Футбол. «Чарм тўп» клуби соврини учун.** 19.05 — «Ёшлик» студияси. «Интернационал дўстлик клуби». 19.35 — Телевизион очерк. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Ёшлар ижоди. 20.30 — «Ўзбекистон қовунлари». 21.00 — «Ахборот». 21.20 — **Лирик концерт.** 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Инсонни ардоқланг».** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. **«Қўғирчоқбоз»** (бадиий фильм). 11.25 — **«Полвон ва масхарабоз»** (бадиий фильм). 18.40 — МОСКВА. 20.10 — **Парашют спорти бўйича жаҳон чемпионати.** 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси. «Комсомол ташкилоти ва социалистик мусобақа. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 21.35 — Телеочерк. 21.45 — **«Унга ишонинг»** (бадиий фильм).

9 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.45 — ТОШКЕНТ. 18.50 — «Ёшлик» студияси. «Ўринбосарлар». 19.20 — «Ахборот». 19.35 — СССР халқлари адабиёти. Г. Абашидзе. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — **«Беш миллион тонна — юбилей йили марраси».** 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. **Совет Ўзбекистони композиторлари. С. Юдаков.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Футбол: «Динамо» (Москва) — ЦСКА.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. «Энг йирик ғалаба» (болалар учун спектакль). 11.45 — **«Йўлбарс»** (бадиий фильм). 18.45 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Тошкент» — телепрограммаси. 22.40 — **Отелло** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 22.05 — Фильм-концерт. 20.25 — Эълонлар. 20.35 — **«Иртиш қирғоқларида»** (бадиий фильм).

⊙

10 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Экран ҳандаси. 11.00 — МОСКВА. 15.30 — **Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни.** 16.15 — ТОШКЕНТ. 16.20 — Мультфильм. 16.40 — «Юлдузча» журнали. 17.15 — Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 18.05 — «Ахборот». 18.20 — МОСКВА. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси «Ҳар доим бўлсин қуёш» (Ўзбекистон ССР). 19.15 — Тошкент. Идеология ва ҳаёт. 19.40 — «Ахборот». 20.00 — Мусиқа жавони. 21.00 — МОСКВА. **Футбол: СССР кубоги.** Финал. **«Динамо» (Киев) — «Заря» (Ворошиловград).** 22.45 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Фильм-концерт. 10.50 — Киноҳаваскорлар клуби. 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — **«Мен Тянь-Шань»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 13.05 — «Париж собори» (фильм-балет). 16.15 — МОСКВА. **«Трубнодаги уй»** (бадиий фильм). 17.20 — Ҳайвонот оламида. 18.20 — ТОШКЕНТ. **Цирк программаси.** 19.15 — МОСКВА. «Здоровье» программаси. 21.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси. «ССО-74». 21.30 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — **«Сувга сакраш ҳуқуқи»** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

⊙

11 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.15 — ТОШКЕНТ. 9.20 — Янгиликлар. 9.30 — Оталаримиз жасорати. 10.00 — «Байроқ» (телевизион театр). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Будильник. 11.40 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.40 — **Спорт программаси.** 13.20 — Мультфильмлар. 13.50 — Ҳужжатли фильм. 14.00 — Болалар учун театр. 15.05 — «Музикали киоска». 15.35 — «Қишлоқ янгиликлари». 16.35 — **«Улик жонлар»** (бадиий фильм). 17.50 — **«Халқаро панорама».** 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Телефильм. 18.40 — «Малишок». 19.10 — «Ахборот». 19.35 — Ўн минут музика. 19.35 — «Партком ва социалистик мусобақа». 19.55 — «Экран ҳандаси» (такрорий кўрсатув). 20.35 — «Ахборот». 20.55 — **Бугун — бинокорлар куни.** 21.05 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Дала ишлари кундалиги. 22.45 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига **«Ўзбекистон кино санъати».** (Дастлабки овозли фильмлар). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.10 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 10.30 — **Богдан Хмельницкий** (бадиий фильм). 12.25 — «Заминдас» программаси. 13.15 — **«Мен — Тянь-Шань»** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 14.20 — Кино экран янгиликлари. 18.20 — МОСКВА. Киносаёҳатчилар клуби. 19.20 — Бугун — бинокорлар куни. СССР оғир индустрия корхоналари қурилиш министри Н. Голдин суҳбати. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Здоровье» программаси. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — **ТОШКЕНТ.** 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — **МОСКВА.** 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Гимнастика. 11.25 — Мультфильмлар. 11.55 — Музикали кўрсатув. 12.25 — Бадиий фильм. 13.45 — Павловск архитектура ансамбли. 14.05 — Ота-оналар, сизлар учун. 14.35 — Концерт. 15.15 — «Здоровье». 15.45 — Бор эканда, йўқ экан. 16.30 — Табиат ва инсон. 17.00 — Цирк майдонида. 17.45 — **ТОШКЕНТ.** 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.25 — «Ахборот». 18.40 — Жаҳон халқларининг қўшиқ ва куйлари. 19.15 — «Фан» программаси. 19.45 — Кино оламида. 20.35 — **Ўзбекистон** (тележурнал). 20.45 — Телеочерк. 20.55 «Ахборот». 21.15 — Экран куйлари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Кечмишларнинг ҳикояси бу** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — **ТОШКЕНТ.** Фильм-спектакль. 12.10 — **Вулқон билан биргамиз** (бадиий фильм). 17.45 — **МОСКВА.** Мўъжизасиз мўъжизалар. 18.45 — Москва концерт заллари бўйлаб. 19.30 «Шеърият». 20.05 — Телеспектакль. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Телеспектаклнинг давоми. 23.00 — Концерт. 23.25 — От спорти бўйича СССР чемпионати. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.45 — **ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

8 АВГУСТДА

ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ МАВСУМНИ

«БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»
СПЕКТАКЛИ БИЛАН

О Ч А Д И

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.
Касса соат 10.00 дан очиқ.
Коллектив бўлиб кириш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

НАВОИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
11 АВГУСТДА
Янги мавсум очилади

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

11/VIII да — ДИЛОРОМ.
13/VIII да — СЕВГИ ТУМОРИ.
14/VIII да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
15/VIII да — ОЙЖАМОЛ.
16/VIII да — ТРАВИАТА.
17/VIII да — «КАРМЕН СЮИТА» ва «ОЙИМҚИЗ ВА БЕЗОРИ».
18/VIII да — КАРМЕН.
20/VIII да — ЖИЗЕЛЬ.
Спектакллар кеч соат 7 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. — 03615. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 181.